



Мусулмон - бошқа мусулмонлар унинг тили ва қўлидан омон бўлганларидир. Муҳожир - Аллоҳ қайтарган нарсалардан қайтган инсондир», - дедилар

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон - бошқа мусулмонлар унинг тили ва қўлидан омон бўлганларидир. Муҳожир - Аллоҳ қайтарган нарсалардан қайтган инсондир», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларга тили билан азият бермайдиган киши ҳақиқий Исломи комил инсон эканини ҳамда мусулмонларни сўкмаслиги, лаънатламаслиги, ғийбат қилмаслиги ва тили билан умуман зарар бермаслигини хабар бердилар. Яна хабар бердиларки, мусулмонлар унинг қўлидан ҳам омондалар. Уларга тажовуз қилмайди, ҳақсиз молларини олиш ва шу каби зулмларни бажармайди. Ҳақиқий муҳожир эса Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни тарк қилган кишидир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/10101>

